

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ
СЕНАТИ АЪЗОЛАРИ И.ЎРОҚОВ, У.УЗАКОВ ВА Ш.БАБАЕВНИНГ
СЕНАТОРЛИК ВАКОЛАТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ
ТУГАТИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддаси, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Исомидин Барноевич Ўрақов, Улуғбек Юлдашевич Узаков ва Шукурулло Хабибуллаевич Бабаев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси ваколатларини муддатидан илгари тугатиш тўғрисида берган ёзма аризаларига асосан, уларнинг сенаторлик ваколатлари муддатидан илгари тугатилган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва халқ депутатлари Навоий, Жиззах ва Тошкент вилояти Кенгашларига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2017 йил 13 ноябрь,
№ 854.